Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● № 25 (8015). ● 5 февраль, 1983 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида ташқи сиёсатга оид бир қанча масалаларни муҳокама қилди. Булар орасида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг шу йил январида Прагада бўлиб ўтган кенгашида ишлаб чиқилган ташаббускорлик таклифларини изчиллик билан олға суришга қаратилган тадбирлар бор эди. Совет Иттифоқи билан Ҳинди-Хитой мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришга оид амалий тадбирлар кўриб чиқилди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги иқтисодий кенгашига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ баъзи масалалар муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг 1982 йилдаги иши тўғрисидаги ахборотни тинглади.

ДАЛАЛАРДАГИ КИЧИК ФЕРМАЛАР

ОДАМНИНГ кайфияти чоғ бўлса, иш жойида кўнгил, меҳнатида унум бўлади. Кайфи чоғлик эса хотиржамлик, тани соғлиқ, демакки, туриш-турмушда саранжом-саришталикка, рўзғорнинг бутлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз меҳнат кишиси тўғрисида доимо оталарча ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Меҳнат кишисининг дастурхони ҳамиша тўкин-сочин, баракали бўлсин демоқда.

КПСС XXVI съездида белгиланган ва КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленумида тасдиқланган СССРнинг Озиқ-овқат программаси асил моҳияти ҳам ана шунда. Чорвачилик — гўшт, сут сингари маҳсулотларни етиштиришни кўпайтириш эса программада илгари сурилган муҳим ва етакчи талаблардан ҳисобланади.

Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, зарбдор тармоқ — чорвачилигимизнинг азаматлари бу соҳадаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив қатнашиб меҳнат қилмоқдалар. Эл маъмурчилиги йўлида янги-янги ҳаракатлар, ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқмоқдалар. Бир сўз билан айтганда бугунги кунда чорвачиликни ривожлантириш — ҳамманинг ишига айланиб қолди.

Айниқса, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумидан сўнг бу соҳада амалга оширилаётган тадбирларнинг мазмуни бойиб, кўлами кенгайди. Бу жиҳатдан республикамиз илғор далачилик бригадалари бошлаган ва Ўзбекистон Компартияси томонидан маъқулланган ташаббус ғоят ибратли ва қимматлидир: илғор колхоз ва совхозларнинг бригадалари коллективлари мол боқамиз, давлатга 5—10 тоннадан гўшт ҳам топширамиз, деб оарчага Мурожаат қилдилар.

Бу мурожаатга областимиздан 16 илғор—16 далачилик бригадаларининг раҳбарлари биринчилар қатори лаббай, деб жавоб бердилар. Ўз зиммаларига конкрет ва оширилган мажбуриятлар олдилар. Ўзбекистон Компартияси область комитети уларнинг бу ташаббусини маъқуллади.

Шуниси қувончлиги, барча колхоз ва совхозларда бу ташаббус мамнуният билан кутиб олинди. Шундай қилиб областимизда чорвачиликни жадал ривожлантириш, гўшт, сут етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан яна бир катта ва хайрли иш бошланди. Сўз бердикми—бажарамиз, ўзимизнинг яхши ишларимиз билан ҳамиша бошқаларга ибрат бўламиз, дейишмоқда ташаббускорлар. Хўжаликларда уларнинг издошлари кўпайиб бораётир.

— Айрим ўртоқлар, — дейди ташаббускорлардан бири, Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи Абдураҳмон Бекмуродов, — чорвачилик билан шуғулланиш далачилик ишларига ҳалақит бермасмикин деб мулоҳаза юритмоқдалар. Бу мутлақо нотўғридир.

Бу гаплар тажрибага суяниб айтилмоқда. Дала шийпони колхозчининг иккинчи уйи ҳисобланади. Деҳқон эрта баҳордан то кеч кузгача далада бўлади. Шийпонда дам олади, газета-журнал ўқийди, телевизор кўради. Шу ерда тамадди қилади. Ҳар бир уйда бўлганидек, бу ерда—бригадада ҳам деҳқонларнинг томорқаси бор. Тушлик дам олиш вақтида тайёрланадиган овқат учун зарур сабзавотлар шу томорқада етиштирилади. Нега гўшт, сутни ҳам ўзимизда етиштириш мумкин эмас! Астойдил ҳаракат қилинса бўладиган иш бу. Озроқ ерни маккажўхори, беда учун ажратиб қўйиш керак. Йўл ёқалари, ариқ чеккаларидаги ўт-ўланлар ўрилиб, қуритилса, пахтани ўташ вақтида чиқадиган ўтлар ҳам қўшилиб жамланса, қанчадан-қанча хашак тўплаш мумкин! Бунинг устига қовун-тарвуз, картошка палаклари, овқат чиқиндилари.

Бундан бир неча йил муқаддам областимиздаги бир гуруҳ илғорлар ўз режаларини амалга ошириш учун астойдил киришган эдилар. Бошланган иш яхши натижалар берганлигини ўз кўзлари билан кўрган колхозчилар уларни қўллаб-қувватлашди. Кейинчалик кўпгина колхозларда қатор бригадалар тўпланган тажриба асосида «кичик ферма»лар ташкил этилди.

Ҳозир бу фермалар кенгайди. Енгил типдаги бостирмаларда бир неча бош мол, қўй, паррандалар боқилмоқда. Бригадалар ўз эҳтиёжидан ортиб қолган чорвачилик маҳсулотларини давлатга топширишни бошлаб юборишди. Ҳар бир колхоз ва совхозда ишни ана шу сингари илғор кишилар тажрибаси асосида ташкил этиш зарур. Чорваси бўлмаган биронта ҳам бригада қолмаслиги керак. Бу давр талаби, халқ талаби!

Яқинда бўлиб ўтган область партия ташкилоти активи йиғилишида областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети май ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида олиб бораётган ишларига ҳам якун ясалди. Деҳқонларимиз қатори чорвадорлар ишига ҳам юксак баҳо берилди. Лекин шу билан бирга ҳали бу соҳада фойдаланилмай ётган резервлар кўплиги алоҳида таъкидланди. Гўшт, сут етиштиришни кўпайтиришда ёрдамчи ва шахсий хўжаликлар қўшадиган ҳиссаларнинг салмоғини янада ошириш зарурлиги уқтирилди. Областимиз чорвадорлари бу йил 47,5 минг тонна гўшт, 153 минг тонна сут, 325 миллион дона тухум тайёрлаш юзасидан зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар.

Ҳамма ерда чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси кун сайин авж олмоқда. Ана шу мусобақадан кутилган мақсадга эришиш учун чорва молларини боқиб, семиртириб давлатга маҳсулот топширишга аҳд қилган далачилик бригадаларида ишни ташкил қилишга ҳам алоҳида аҳамият бериш керак. Бу — хўжалик раҳбарлари, партия ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Бунинг учун бир қатор муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади. Далачилик бригадалари бўрдоқига мол боқиш билангина шуғулланмай, балки, молларни урчитиб кўпайтиришдек муҳим ишга ҳам ҳисса қўшмоқлари лозим. Бунинг учун ҳар бир бригадада кам деганда 4—5 сигир, кўплаб совлиқ қўйлар боқишни йўлга қўйиш керак.

Қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар. Хўжалик раҳбарларининг кўмаги, далдаси, амалий ёрдами бўлмаса, бунга эришиб бўлмайди. Бригадаларга зотдор молларни танлаб олишда ёрдам бермоқ зарур. Табиийки, зарур миқдорда бўлса ҳам концентрат озуқалар етказиб берилиши шарт. Чунки, бригадаларда етиштирилаётган маҳсулот бундан буён ҳар бир хўжаликнинг ишлаб чиқариш планига киритилади.

Жилғалар қўшилиб дарёларга айланади. Областимизда 180 та хўжалик, уларнинг ҳар бирида ўртача 15—20 тадан бригада бор. Ҳисоблаб кўринг, ҳар битта бригадада 4—5 тоннадан гўшт етиштирилса ва давлатга топширилса, у ҳолда йил давомида қанчадан-қанча қўшимча маҳсулот олинган бўлади. Шунинг учун ҳам бу иш билан конкрет ва астойдил шуғулланиш, белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун жойларда катта ташкилотчилик ва сафарбарлик ишларини олиб бориш лозим. Хўжаликлардаги сут-товар фермаларининг мутахассислари тажрибакор бригадалардаги кичик фермаларни оталиққа олсинлар.

Ҳеч шубҳа йўқки, хўжаликлар бригадаларида ташкил этилган ва кенг оммалашиб бораётган ёрдамчи хўжаликлар янада ривожланиб, деҳқонларнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга қўшадиган ҳиссалари ортиб бораверади.

▲ Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхозда қўйларни эрта қўзилатиш бошлаб юборилди. Чўпонлар бу йил ҳар юз бош совлиқдан 125 тадан қўзи олиш учун курашмоқдалар. Суратларда: колхознинг узоқ яйловдаги отарларида. Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТИМИЗНИНГ 1983 ЙИЛГИ МАРРАЛАРИ

● 435 минг тонна пахта

● 515 минг тонна сабзавот

● 82 минг тонна дон



● 51 минг тонна қовун-тарвуз



● 162 минг тонна мева ва узум

ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ИШЛАЙМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН ССР БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ҒАЗАЛКЕНТ САНГТАРОШЛИК КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1983 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Комбинат коллективи КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб ва ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан 1982 йилги план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажарди. Комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини, коллективнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг эсдалик Қизил байроғи билан мукофотланганлигини баланд руҳ билан кутиб олдилар, хўжалик фаолиятини янада яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашни кучайтириб юбордилар. Улар ўз имкониятларини чамалаб кўриб, 1983 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

норматив соф маҳсулот ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан йиллик план муддатидан олдин — 25 декабрда, маҳсулот реализация қилиш йиллик плани 28 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади, мармардан 500 квадрат метр пардозлаш плиталари ва 200 квадрат метр гранит плиталар, 250 тонна майдаланган ранг-баранг тош, 500 сўмлик маданий-маиший моллар тайёрланади, пландан ташқари 50 минг сўм фойда олинади.

Меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш ва иш вақтидан тўларок фойдаланиш йўли билан меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи 0,2 процент ошириб бажарилади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг 96 процентидан кўпроғига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Давлат сифат белгиси қўйилган маҳсулот салмоғи планда белгиланганига нисбатан 0,5 процент кўпайтирилади.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтининг зое кетишини камайтириш ва муҳим ишлайдиган меҳнат коллективини вужудга келтириш юзасидан тадбирлар комплекси бажарилади. Гранит ишлаш цехларида меҳнатда қатнашиш коэффициенти билан тайёр маҳсулот учун ягона наряд асосида ҳақ тўлаган ҳолда меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси жорий этилади.

Норматив топшириқдан ташқари 1800 сўмлик 10 кубметр мармар блоклар ва 600 сўмлик 5 кубметр гранит блоклар, 15 минг киловатт-соат электр энергияси тежалади. Рационализаторлик таклифларини жорий этишдан камида 30 минг сўм иқтисодий самарага эришилади. 85 нафар янги ишчи тайёрланади, 45 ишчи ва 5 нафар инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади, 480 киши иқтисодий таълимга жалб этилади.

Қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда «Ленинград» колхозига оталик ёрдами берилади.

Ғазалкент санғтарошлик комбинатининг коллективи партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларига амал қилиб, қабул этилган социалистик мажбуриятларни бажаришни жадаллаштириш учун ўзининг бутун кучи,— билими, тажрибасини сарфлайди ва мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшади.

Социалистик мажбуриятлар комбинат ходимларининг йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ТОШКЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ «МЕБЕЛЬ» БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1983 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Тошкент ишлаб чиқариш «Мебель» бирлашмасининг коллективи ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этиб, беш йиллик икки йили маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планини барвақт, 1982 йил 5 декабрда бажарди.

Ишлаб чиқариш ҳажми беш йиллик пландаги 13,6 процент ўрнига 16,5 процент ўсди, пландан ташқари 3,2 миллион сўмлик мебель ишлаб чиқарилди.

Бирлашма коллективи КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифаларга жавобан меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашни, барча иш участкаларида юксак уюшқоқлик кўрсатишни, ишлаб чиқаришни янада интенсивлаш ишида куч-ғайратни кўпайтиришни ўзининг энг биринчи бурчи деб ҳисоблайди ва 1983 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятни қабул қилади.

Беш йиллик учинчи йили плани муддатидан илгари, 19 ноябргача бажарилади, ишлаб чиқариш ҳажмининг 23,2 процент ўсиши таъминланади. Товар маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан 1983 йил плани 27 декабргача бажарилади ва пландан ташқари 770 минг сўмлик мебель реализация қилинади.

Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга оид ишлар давом эттирилади, мебель шчитларини кўндалангига силлиқлайдиган иккита чет эл автомат линияси жорий этилади, мебелларнинг 5 та янги тури ўзлаштирилади. Давлат Сифат белгисини олган маҳсулот салмоғи ишлаб чиқариш умумий ҳажмини 53,2 процентга етказилади.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, прогулларни, асбоб-ускуналарнинг бекор туришини тугатиш, моддий техника таъминотини яхшилаш, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни автоматлаш ва механизациялаш ҳисобига меҳнат унумдорлиги пландаги 4,4 процент ўрнига 5,3 процент кўпайтирилади. Шунинг эвазига ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсишига эришилади, қўл меҳнати 1,8 процент камайтирилади.

Бирлашма ишчиларининг камида 80 проценти меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш бригада формасига жалб этилади.

Материал ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиб, 790 куб метр ёғоч-тахта, 25 минг киловатт-соат электр энергия ва 870 гигакалория иссиқлик энергияси иқтисод қилинади. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларини жорий этишдан камида 65 минг сўмлик иқтисодий самара олинади.

Ёғочни қайта ишлаш заводини, 1- ва 2-фабрикаларни реконструкция қилиш муддатидан илгари тугалланади, елимланган стуллар ишлаб чиқарадиган участка ташкил этилади, ишлаб чиқариш кенгайтирилади ва ёғоч-тахта чиқиндиларидан 585 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.

Озиқ-овқат программасини жадал амалга оширишга оид тадбирларни бажара бориб, ёрдамчи хўжалик ташкил этилади. Ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, ишловчиларнинг меҳнат ва турмушини яхшилаш тадбирлари амалга оширилади, мана шу мақсадлар учун 250 минг сўм маблағ ажратилади. Пионер лагеридаги ўринлар сони 320 тага етказилади, дам олиш зонасини ободонлаштириш ишлари тугалланади.

Социалистик мажбуриятлар бирлашма меҳнат коллективларининг йиғилишларида қабул қилинган.

ЮҚОРИ СЕМИЗЛИКДА

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ СОВХОЗ ЯРИМ ЙИЛЛИК ГЎШТ ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

КЕЛЕС. Ўтган йил қиш эрта бошланди. Бу чорвадорлар, айниқса, массивда жойлашган қўйчилик совхози чўпонларининг ишини бирмунча қийинлаштирди. Бироқ, улар қишловга пухта тайёргарлик кўриб барча имкониятларни, резервларни ишга солиб, мўл-кўл ем-хашак жамғарган эдилар. Шунинг учун ҳам Охунбобоев номли қўйчиликка ихтисослашган бу совхоз чорвадорлари қишловдан қўй-қўзиларни беталофат олиб чиқмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун бор маҳоратларини ишга солмоқдалар. Гўштга топшириш учун мўлжалланган қўйлар алоҳида рацион асосида боқилди. Ветеринария хизмати яхши йўлга қўйилди. Натижа қувончли бўлди. Совхоз ҳозиргача ярим йиллик пландаги 190 тонна ўрнига давлатга 205 тонна гўшт топширди. Ҳар бир қўйнинг тирик вазни 57 килограммдантга тўғри келди.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ГЎШТ

● ЮСУФБЕК Туймабоев бошлиқ бригада Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг илғор бригадаларидан бири. Коллектив аъзолари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида ўтган йилги ютуқларни янада мустаҳкамлаш, гектар бошига камида 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришга бел боғлашган.

Республикамиз ва областимиз донгдор пахтачилик бригадалари бошлиқларининг қимматли ташаббусига қўшилган бригада аъзолари ёрдамчи чорвачилик хўжалигини ташкил этишга қарор қилдилар.

— Бу йил 6 бош қорамол, 10 бош қўй, 200 парранда боқиб камида 2 тонна гўшт етиштиришни мўлжаллаяпмиз, — дейди Ю. Туймабоев.

«ТЕХНИКАНИ АВАЙЛАЙЛИК, УМРИНИ УЗАЙТИРАЙЛИК» МАҚОЛАСИ МУҲОКАМАДА

ҲАР КИМ ЯХШИ ЁНДОШСА...

ХАЛҚ мулки бўлган ва ишониб топширилиб қўйилган техникадан самарали фойдаланиб, унинг узоқ муддат ишлашига эришиш ҳақиқатан ҳам, механизаторнинг маҳоратига, кунт ва ихлосига боғлиқдир. Мен совхозда 12 йилдан буён механизаторлик қилиб келмоқдаман. Ҳозирги кунда бошқараётган «Ўзбекистон» маркали тракторим мендан олдин ҳамкасбим Ином Тошев 6 йил ҳайдаган. Мен эса шу тракторни икки йилдан буён бошқаряпман. Ҳали ҳам яп-янгидек турибди. Сеялкаларим, культиватор рамаларини осиб мавсумга соз қилиб қўйганман. Қандай қилиб бу трактордан жорий ремонтсиз, самарали фойдаланяпсиз, деб сўрашлари мумкин. Бунда ҳеч қандай сир йўқ.

Ҳар куни эрталаб ишни бошлашдан олдин тракторни обдон кўздан кечираман. Ёғини, сувини текшириб кўраман. Болтлари, гайкаларини ҳам бирма-бирин кўрикдан ўтказаман. Техниканинг «соппа-соғлиги»га ишонч ҳосил қилгач, ўт олдираман. Шунинг учун ҳам ишим унумли бўлади. Нормани қийналмасдан ортиғи билан бажараман.

Бизда запас қисмлар алоҳида хонада сақланади. Ҳисоб-китоб билан иш юритилади. Умуман, бўлимимизда бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ҳам усти ёпиқ саройларда сақланади.

Терим мавсумида «Ўзбекистон» маркали машинада ишлайман. Бу машинани олганимга ҳам олти йил бўлди. Авайлайман, яхши сақлайман. Шунинг учун ҳам терим вақтида бирон кун бекор туриб қолгани йўқ. Ўтган йили 150 тонна пахта териб бердим.

Биз ишлаётган бўлимда механизаторларга, уларнинг меҳнатига алоҳида ҳурмат билан қарайдилар. Техникани созлаш, ундан ким қандай фойдаланаётганлигини аниқлаш бўйича мусобақалар ўтказиб турилиши, айниқса, катта фойда бермоқда. Бўлимимизда 14 механизатор бор. Биз ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳамкорликда бамаслаҳат иш олиб бормоқдамиз.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, Москва станоксозлари билан бўлган учрашувда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов айтганидек, ҳар ким ўз нормаси, ўз ишлаб чиқариш топшириғини кун сайин бажариб борса қандай яхши. Ана шунда ҳар бир корхона, ташкилот, коллективда бўлганидек, трактор паркларида ҳам қатъий тартиб ва интизом бўлади. Техникадан фойдаланиш самарадорлиги ортиб бораверади.

М. ФОЗИЛОВ,
Пискент районидаги «Пискент» совхози 2-бўлими механизатори.

БАРҚАРОР ҲОСИЛ УЧУН

Ўзбекистон дончилик илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган илмий асосланган деҳқончилик системаси лалмикор ерларда об-ҳаво шароитларидан қатъий назар донли экинлардан барқарор ҳосил олишга имкон беради. Бу система беш, олти далани алмашлаб экишни, экишдан олдин ерни прогрессив метод билан тайёрлашни, органик ва минерал ўғитни мақбул нисбатларда солишни ўз ичига олади.

Ўтган йили ниҳоятда мураккаб шароитларда бу система текширувдан яхши ўтди. Бултур республиканинг лалмикор зонасидаги ғалла майдони одатдагидан уч баравар кам суғорилганди. Олимларнинг тавсияларидан амалда фойдаланилган хўжаликларда ҳосил нобудгарчилиги жуда оз бўлди, деҳқонлэр шудгор қилиб, дам олдирилган ва яхши ўғитланган лалмикор ердан эски, алмашлаб экилмайдиган ерларга нисбатан уч-тўрт баравар кўпроқ арпа ва буғдой дони олдилар.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Билимларни тарғиб этиб

КИРОВ район партия комитети, район «Билим» жамияти тарғибот ва ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш учун меҳнаткашларга қизиқарли, таъсирчан воситалардан фойдаланиш чораларини кўрмоқдалар. Ҳозир районда 48 та халқ университети ташкил этилган. Уларда сиёсий, педагогика билимлари тарғиб этилади, кишиларни қизиқтираётган масалалар бўйича суҳбатлар уюштирилади.

Ҳ. Олимжон номли маданият уйи қошида ташкил этилган «Халқлар дўстлиги» университети фаолияти, айниқса, диққатга сазовордир. Университет машғулотлари ўтказиладиган хона КПСС ленинча миллий сиёсати, совет халқлари қардошларча дўстлиги, пролетар интернационализми масалаларига бағишланган стендлар билан жиҳозланган. Бу ерда халқлар дўстлигига оид турли адабиётлар мавжуд.

Халқ университетида ўтган йили СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб қизиқарли тадбирлар ўтказилди. машғулотларда ҳар бир иттифоқдош республиканинг совет ҳокимияти йилларида эришган ютуқлари тўғрисида лекциялар ўтказилди. Университет тингловчилари партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашдилар.

Район корхоналари, ташкилот ва муассасаларида 8 та «Саломатлик» халқ университетлари фаолият кўрсатмоқда. 26-, 31-поликлиникалар, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, маҳаллалардаги бу халқ университетларида машғулотлар мунтазам ўтказиб турилади. Тингловчилар медик олимлар, шифокорларнинг суҳбатларини эшитадилар.

Район социал таъминот бўлими қошида эса «Ҳуқуқ» халқ университети ташкил этилган. Унинг тингловчилари машғулотларда совет қонунлари билан танишиб борадилар.

Шунингдек, милиция мактаби қошида «Маданият», 105-мактабда «Ватанпарварлик» халқ университетлари ҳам қизиқарли ишлар олиб боряптилар.

Районда 28 та мактабда «Ота-оналар университетлари» фаолият кўрсатмоқда. Уларда педагогик билимлар пропаганда қилинади, бола тарбияси ҳақида суҳбатлар ўтказилади. Кейинги пайтларда бу университетлар тингловчилари медицина фанлари кандидатлари И. Фозилов, А. Тоҳирий, СССР халқ маорифи аълочиси Т. Усмонов, педагоглар В. Афанасьев, Д. Ҳусанбоева, М. Ғофурова ва бошқаларнинг қизиқарли суҳбатларини эшитдилар.

Ҳозирги пайтда райондаги барча халқ университетларида КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми ҳужжатлари, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар кенг пропаганда қилинаяпти.

С. СУЛТОНОВ.



ЗАРБДОР ВАХТАДА

● АНГРЕН кўмир разрези қазилмаларини ташиб беришда шаҳардаги 72-автокорхона ҳайдовчилари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа авж олдирилган бўлиб, ҳар бир ҳайдовчи ёнилғи-мойлаш материалларини тежаш билан бирга пландан ташқари ўнлаб тонна кон қазилмаларини ташиб беришга ҳаракат қилишяпти.

Суратларда: [юқорида] КрАЗ автомашинасига юк ортиш пайти; [пастда, чапда] автокорхонанинг ветеран ишчиси, мураббийчилик ҳаракатининг актив иштирокчиси М. Исмагулов ва биринчи класс ҳайдовчиси М. Абдиев.

А. Жданов фотолари.

БАҲАМ КЎРАМИЗ

Тошкентлик тўқувчи Т. Кардашнинг иш жойини «Касбининг устаси» деган ёзувли қизил байроқча безади. «Малика» трикотаж бирлашмасига бу фахрий мукофот Львовдаги «Луч» бирлашмасидан келди.

Львовлик тўқимачилар меҳнат мусобақаасининг бу якунига ғолиблардан кам суюнишмади. Чунки улар шу муваффақиятнинг автордошлари бўлдилар. Ўзбекистон пойтахтидаги кўпгина тўқувчилар янги машиналарни ишлатишдан олдин Львовда стажировкадан ўтдилар. Бу шаҳарда шундай машина ишлаб турибди. Бу ерда улар янги техникани ўзлаштирдилар.

(ТАСС мухбири).

130 ОИЛАГА МЎЛЖАЛЛАНГАН

ЮБИЛЕЙ йили якунларига кўра «Главташкентстрой»нинг 2-қурилиш бошқармасига қарашли Александр Закусилов бошлиқ бригада коллективи социалистик мусобақада ғолиб чиққан эди. Коллектив бу муваффақиятга бир неча йиллардан буён бригада пудрати асосида иш олиб борганлиги сабабли эришди.

Ғолиб коллективининг 15 нафар аъзоси қурилиш соҳасидаги турли касбни пухта ўзлаштириб олганлар.

Бригада қурувчилари янги йил бошидан фидокорона меҳнатлари натижасида Юнусобод массивининг СГ-1 микрорайони территориясида 130 оилага мўлжалланган беш қаватли турар-жой биносини қуриб муддатидан илгари фойдаланишга топширдилар.

Б. ЭГАМҚУЛОВ.

МАТБААЧИЛАР ШИОРИ: СУРЪАТ, СИФАТ, МАРОМ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МАТБУОТ ВА ПОЛИГРАФИЯ ХОДИМЛАРИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Йиғилишда область нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси бошқармаси бошлиғи А. Ф. Саидов полиграфия саноати корхоналарининг ўтган йилги иш якунлари ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида бу йил бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев сўзга чиқди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев нутқ сўзлади.

Областимиз полиграфия корхоналари босма маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1982 йил планини муддатидан олдин 24 декабрда адо этдилар. 1 миллион 531 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу планда кўзда тутилганидан 40 минг сўмлик кўп демакдир. Саноат маҳсулоти ҳажми 1981 йилга нисбатан 4,6 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича белгиланган план эса 2,6 процент ортиғи билан адо этилди. Пландан ташқари сал кам 16 минг лист китоб-журналлар оттискаси чиқарилди. 60 минг дона қоғоз товарлар истеъмолчиларга етказиб берилди.

Ўтган йилда область полиграфия корхоналари коллективлари бутуниттифоқ, республика социалистик мусобақаларида актив иштирок этиб, бир неча бор ғолибликни қўлга киритдилар. Улар орасида Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари полиграфия корхоналарининг коллективлари бор. Бу коллективлар мусобақа давомида СССР ва Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетлари ҳамда тармоқ касаба союзларининг кўчма Қизил байроғини ва пул мукофотини қўлга киритдилар.

Область полиграфия саноатини техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қўл меҳнатини механизациялаш, илғор усулларни қўллаш яхши самаралар бераяпти. Пировардида маҳсулот сифати ошиб, корхоналар қуввати ўсиб бормоқда. Матбаачилар бу йил бор имкониятларини ҳисоблаб чиқиб 49 миллион лист оттиска чиқаришни кўзда тутмоқдалар.

Матбаачилар иш шароитини яхшилаш бўйича ҳам зарур чоралар кўрилди. Бу соҳада Ангрен шаҳар босмахонаси коллективи амалга ошираётган тадбирлар диққатга сазовордир. Область бўйича бу корхонада энг юқори меҳнат унумдорлигига эришилмоқда.

Ўтган йили областимиз полиграфия корхоналарида меҳнат қилаётган ишчилардан 36 киши Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги байрамигача йиллик планни бажаришга муваффақ бўлди. Улар орасида Бекобод шаҳар босмахонаси печатниклари И. Абдусатторов, Э. Мансуров, Чирчиқ шаҳар босмахонаси линотипчиси Р. Конева, Бўка район босмахонаси печатниги Г. Сулькаев ва бошқалар бор.

Докладчи ишлаб чиқаришда бригада формасини кенг ёйиш қандай самаралар бераётганлигини Ангрен шаҳри босмахонаси мисолида сўзлаб берди. Ярим йил муқаддам бу корхонада ишни бригада усулида ташкил этишга ўтилган эди. Қисқа вақт ичида янгилик ўз самараларини кўрсатди. Ускуна ва иш вақтидан унумли фойдаланишда, меҳнатни ташкил этишда ва ишчиларни рағбатлантиришда бригада пудрати ҳар жиҳатдан қўл келмоқда. Ҳозир областимизда 19 та район ва шаҳар, 10 та кўп тиражли газета нашр этилмоқда. Уларнинг ғоявий мазмуни ва полиграфик ижроси яхшиланиб бормоқда.

Доклад юзасидан бўлиб ўтган музокарада Олмалиқ шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Г. П. Грибанов, Бекобод шаҳар босмахонаси директори И. Мансуров, Ғалаба район «Ленин йўли» газетаси редакторининг ўринбосари С. Мустафоев, Ангрен шаҳар босмахонаси бош инженери Ю. А. Югай, Бўстонлиқ район босмахонаси мастери А. Пўлатов, Калинин район «Ленинчи» газетаси масъул секретари Н. Қодиров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Улар бажарилган ишларга танқидий кўз билан қараб ишни янада яхшилашга ёрдам берувчи кўпгина таклифларни ўртага ташладилар. Техникадан фойдаланиш, ускуналарни профилактик ремонт қилиш, асраб-авайлаш ҳали ҳам талаб даражасида эмас. Бўка, Калинин, Орджоникидзе районларидаги босмахона раҳбарлари олинган ускуналарни тезроқ ўрнатиш ва улардан фойдаланиш устида кам қайғурмоқдалар. Айрим ускуналар қувватидан эса тўла фойдаланилмаяпти. Бу ҳол Коммунистик район босмахонасида сезилмоқда.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми талаблари асосида партия, давлат, меҳнат ва план интизомини мустаҳкамлаш барча коллективлар олдида турган муҳим вазифадир. Ҳар бир участкада ишни бир маромда аниқ ташкил этиш, иш суръати ва сифати учун тинмай курашиш керак. Матбаачиларнинг бу йилги шиори мана шундай бўлиши керак.

Актив қатнашчиларини Иваново область нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. Н. Малин табриклади.

Йиғилишда илғор матбаачиларга СССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг мукофотлари, область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

1982 йил якунлари бўйича Ўрта Чирчиқ район босмахонаси мусобақада ғолиб чиқиб область нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси бошқармаси ҳамда маданият ходимлари касаба союзи область комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлган эди. Байроқ босмахона вакилларига топширилди.

Йиғилиш қатнашчилари область полиграфия саноати корхоналари коллективларининг 1983 йилда олган социалистик мажбуриятларини тасдиқладилар.

Область матбуот ва полиграфия ходимларига қарата мурожаат бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилишда Тошкент ва Иваново областлари нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси бошқармалари ўртасидаги социалистик мусобақа шартлари имзоланади.

Йиғилишда Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Йўлдошева иштирок этди.

СИФАТЛИ ТОЛА ИСТИҚБОЛИ

ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

МАМЛАКАТИМИЗНИ ривожлантиришнинг яқин ўн йилга мўлжалланган Асосий йўналишларида: «Пахтанинг анча қимматли ингичка толали навлари кўпайтирилсин, ўрта толали пахта навининг юксак технологик хусусиятларга эга бўлиши такомиллаштирилсин», дейилган.

Бундай вазифани муваффақиятли бажариш ғўза селекцияси ва уруғчилиги мутахассислари зиммасига ҳам катта маъсулият юклайди. Чунки саноат ва халқ хўжалигининг тез суръатлар билан ривожланиши пахта толасининг сифатини муттасил яхшилашни, айниқса қимматбаҳо ипак пахтани эртапишар, сермаҳсул, турли касалликларга ва ҳашаротларга бардошли навларини тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Маълумки бир тонна ўрта толали пахтадан 8 минг метрга яқин газлама тўқилса, шунча ипак пахта хом ашёсидан 15 минг метр атрофида газлама олинади. Бундан ташқари, давлат томонидан ҳар бир тонна ўрта толали нав пахтанинг 1-сортига 500-600 сўм тўланса, ингичка толали пахтанинг биринчи сорти 1200 сўмгача баҳоланади.

Республикамизнинг деҳқонлари юбилей йилида она-Ватан хазинасига пландаги 390 минг тонна ўрнига 465 минг тонна ингичка толали пахта етказиб бердилар. Аммо, саноатимизнинг сифатли толага бўлган эҳтиёжи тобора ошиб бормоқда.

Енгил саноат I, III, IV, ҳамда V типдаги тола билан етарли миқдорда таъмин этилмаяпти. Бундай ҳолат селекциячиларни янада чуқурроқ мулоҳаза юритишга, самарали изланишлар олиб боришга ҳамда ингичка толали ғўзанинг янги-янги навларини яратишга сафарбар этмоқда.

Ҳозирги вақтда лаборатория ходимлари томонидан ипак пахтанинг янада истиқболли навлари ижод этилмоқда. С-6040, С-6041, Қарши-2, Қарши-4 ва Қарши—5 каби қатор навлар Давлат комиссиясидан муваффақиятли ўтмоқда ва кўпайтирилмоқда.

Иқтидорли ипак пахта селекциячилари ҳам эртапишарлик муаммосига алоҳида эътибор бермоқдалар ва уларнинг бу борадаги муваффақиятлари чакки эмас. Яъни янги навлар олишда бошланғич материал (асос) бўлиб хизмат қилган «Ашмуни» ва «Пима» навларининг кўсаклари 162-172 кунда етилган бўлса, С-6030 нави 130-135 кунда, С-6040 — 128-135 кунда ва Қарши-2 нави 118-122 кунда пишиб очилмоқда. Шундай бўлса ҳам янада эртапишар, сермаҳсул навлар яратиш тадқиқотчилар учун энг муҳим муаммо бўлиб турибди. Бунинг учун синтетик селекция, радиомутагенез, танлаш, турли коллекцион намуналардан фойдаланиш, эртапишар навларни ҳосил шохларини чекланган нав ўсимликлари билан дурагайлаштириш каби усуллардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Айниқса кейинги йилларда бундай навларни яратишга кенг имкониятлар очилмоқда. Масалан, аввалари барча типда тола (I, II, III) берадиган ипак пахта навлари устида бир лабораторияда изланиш ишлари олиб борилар эди. Бу навлар устидаги тадқиқотларнинг мураккаблиги эътиборга олиниб, лаборатория иккига ажратилди.

Ҳозирги вақтда ипак пахта нави ижодкорлари олдига мавжуд навларга нисбатан эрта етиладиган (камида 8-10 кун), тола бериши 32-34 процент атрофида бўлиб, ҳар гектар ер ҳисобига 40-50 центнердан ҳосил бериш потенциал имкониятига эга бўлган, қурғоқчилик, шўрланиш ва турли зараркунанда ҳамда касалликларга бардошли интенсив навлар яратишдек муҳим вазифа қўйилган.

Т. ХОЛХЎЖАЕВ,
Г. С. Зайцев номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати.

Э. ҲАСАНОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

С. ОДИЛОВ,
илмий ходим.

ЖУРНАЛИСТЛАР КЕНГАШИБ ОЛДИЛАР

Тошкент область журналистлар ташкилоти правлениесининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда пойтахт область журналистлар ташкилоти правлениеси раисининг ўринбосари, «Ташкентская правда» газетаси редактори Б. М. Шатуновский шаҳар, район, кўп тиражли газета редакцияларининг ўтган йилги иш якунлари ва бу йил улар олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Йиғилганлар олдида Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси раиси, Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети раиси З. И. Есенбоев сўзга чиқди.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев нутқ сўзлади.

Муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1982 ЙИЛ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТАЛАБЧАНЛИК ВА ПРИНЦИПИАЛЛИК — МУҲИМ ОМИЛ

СОВЕТЛАР ВА МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумида сўзлаган нутқидаги: «Партия, давлат ва меҳнат интизомининг ҳар қандай бузилишига қарши қатъий кураш олиб бориш лозим» деган йўл-йўриқларини республикадаги барча меҳнат коллективлари ҳаракат программаси сифатида қабул қилдилар.

Партия меҳнат интизомига риоя қилиш фақатгина ички тартиб-қоидаларга риоя қилиш, прогул ва кечикиб келишларга йўл қўймасликдангина иборат эмаслигини ҳамиша таъкидлаб келади. Онгли интизом ўз вазифасига ижодий ёндошиш, моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш асосида ишнинг янги услуб ва методларини қидириб топиш билан мустаҳкам боғлиқдир. У масъулиятсизликнинг ҳар қандай кўринишлари ва тартиббузарларга нисбатан ишонтириш муросасиз бўлишини кўзда тутади. Ҳар бир кишининг яхшироқ ва самаралироқ меҳнат қилишини, иш вақтидан тўлиқ ва унумли фойдаланишни таъминлаш муҳимдир. Меҳнат кишисининг интизомлилигида унинг ғоявий-ахлоқий позицияси, жамият олдидаги ўз бурчини тушунишни аниқ-равшан ифодасини топади

Социалистик интизом тўғрисидаги ушбу ленинча қоидалар партия ҳужжатларида доимий ривожлантирилиб, Совет органлари ишида ҳам асосий қўлланма бўлиб хизмат қиляпти КПСС Марказий Комитети СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида»ги қарори кейинги икки йил давомида республикамиз халқ депутатлари Советлари ишида асосий программ ҳужжат бўлиб қолди.

Советлар сессиялари, ижроия комитет кенгашларида меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни янада интенсивлаштириш, меҳнаткашларнинг иш, турмуш шароитини ва дам олишини яхши ташкил этиш масалалари тез-тез муҳокама этиладиган бўлиб қолди.

Бу соҳада Янгийўл шаҳар Советида ибратли тажриба тўпланган Халқ депутатларининг ташаббуси билан меҳнат коллективларида «Қолоқларсиз ишлайлик» шиори остида социалистик мусобақалар бошланиб, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш юзасидан социалистик мажбуриятлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда Ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида депутатлик группалари ва постлари тузилган. Улар ўзларининг дастлабки самараларини бермоқда. 1982 йилда шаҳар бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан меҳнат унумдорлиги ва моддий ресурсларни тежаш эвазига таъминланди. Шаҳарда биронта ҳам қолоқ саноат корхонаси, участка, цех йўқ. 12 минг нафар ишчининг ҳаммаси ишлаб чиқариш нормаларини бажаряпти. Меҳнат интизомининг мустаҳкамланганлиги туфайли сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори кескин камайди, кадрлар қўнимсизлиги 1980 йилдаги 22 процентдан 13,8 процентга туширилди.

Халқ депутатлари Бўка район Советининг КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан ишлаб чиққан ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан маъқулланган тадбирлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Район Совети доимий комиссиялари, ижроия комитети ва халқ депутатлари пахта ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг қўшимча резервларини қидириб топмоқдалар.

Район хўжаликлари илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, комплекс механизацияни ривожлантириш ва агротехникани такомиллаштириш асосида узлуксиз интенсивлаштирилмоқда. Технология интизомига тўлиқ риоя қилиш, хўжаликлар ҳар бир бўлинмасининг ишини аниқ ташкил этишга катта эътибор беріляпти. Кўпчилик колхоз ва совхозларда бригада пудрати жорий этилган. Бу бўкаликларга пахта тайёрлаш планини 17 иш кунида бажариш, ҳосилнинг 87 процентини машиналар ёрдамида териб олиш имконини берди. Районда ҳар гектар майдондан ўртача 36,5 центнердан ҳосил олиниб, давлатга 79 минг тонна «оқ олтин» армуғон этилди.

Янгийўллик ишчилар ва Бўка райони деҳқонларининг меҳнат зафарларида маҳаллий давлат органлари, халқ депутатларининг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, энергия ва бошқа ресурслардан унумли фойдаланиш соҳасида олиб борган ташкилотчилик ишлари ҳам муҳим роль ўйнади. Уларнинг тажрибаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Республика социалистик мусобақаси натижаларига кўра Янгийўл шаҳри ва Бўка райони ғолиб деб топилиб, кўчма Қизил байроқлар билан тақдирландилар.

Партия, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш беш йилликнинг долзарб вазифасидир. Бунда маҳаллий Советлар, касаба союз, комсомол ва меҳнат коллективларининг роли айниқса, масъулиятлидир. Янги 1983 йил арафасида КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмалари асосида Москва шаҳрининг меҳнат коллективлари меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини янада мустаҳкамлаш ҳаракатини кенг ёйиш юзасидан муҳим ташаббус билан чиқишди. Москваликлар ташаббуси Тошкент области корхоналари ва ташкилотларида ҳам кенг қўллаб-қувватланди.

Коллективларда ишлаб чиқаришда намунали тартиб ўрнатиш, кадрлар қўнимсизлигини тугатиш, дангаса ва ишёқмасларга қарши курашда ишонтириш воситаларидан ташқари қонун кучларидан ҳам фойдаланиш соҳасида аниқ тадбирлар белгилаб олинган.

Фикримизга Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати И. Х. Мусин раҳбарлик қилаётган СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси мисол бўла олади. Бу пешқадам коллектив ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида ташкилотчиликни кучайтириш, иш вақтини йўқотишнинг ҳамма турларини камайтириш мажбуриятини олди. Шунинг ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан план муддатидан илгари бажарилади, планга қўшимча 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 100 та трактор, 50 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрланади.

Бу ерда меҳнатни ташкил этиш ва пировард натижаларга кўра рағбатлантириш юзасидан бригада формасини кенг қўллашга қарор қилинган. Меҳнатни ташкил қилишнинг илғор формасига бу йил ишчиларнинг камида 80 проценти жалб этилади. Кадрлар қўнимсизлиги 25 процентга камайтирилади. Меҳнат унумдорлиги планини 25 процент ошириб бажаришга иш вақтини йўқотишни камайтириш ҳисобига эришиш кўзда тутиляпти. Бракка йўл қўйиш натижасида маҳсулот йўқотишни 1982 йилдагига қараганда 10,7 процентга камайтиришга эришилади.

Олмалиқ қурувчилари эса ишлаб чиқаришда намунали тартиб интизомни жорий этиб, ҳар бир ишчи томонидан меҳнат унумдорлигини оширишга эришишини таъминлаш ва йиғма бригадалар, шунингдек, зарбдор комсомол-ёшлар бригадалари сонини кўпайтиришга аҳд қилдилар.

Оққўрғон, Бўка, Ғалаба, Коммунистик ва бошқа районларнинг хўжаликлари илғор бригадалари технология ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш тадбирларини белгилаб, 1982 йилдаги сингари ҳар гектаридан 50—60 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилдилар.

Корхона ва хўжаликларнинг ички имкониятларидан янада тўлиқроқ фойдаланиш, ишлаб чиқаришда пировард юксак кўрсаткичларни қўлга киритишга қаратилган бу ташаббуслар ниҳоятда қимматлидир. Чунки, бир меёрда иш олиб бораётган коллективларда ҳам ҳанузгача ўртача кўрсаткичлар соясида кўплаб камчиликлар мавжуд, илғорлар билан ёнма-ён прогулчи ва бракка йўл қўювчилар, ичкиликбозлар ҳам меҳнат қилишади. Ана шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришда намунали тартибни вужудга келтириш, ўзаро талабчанликни кучайтириш ва интизомни бузишга қарши муросасизликни ошириш жуда ҳам муҳимдир.

Бу вазифаларни бажариш биздан умумий куч-ғайратни талаб қилади. Айни вақтда у жойлардаги Совет органлари, халқ вакиллари ишига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Советларнинг доимий комиссиялари, коллективлар ва аҳоли турар-жойлардаги депутатлардан ташкил топган группалар бу ўринда жуда катта иш олиб боришлари лозим. Чунки халқ депутатлари жойлардаги ҳақиқий аҳволни аъло даражада билишади. Уларнинг фаолиятини конкрет ишларни ташкил қилиш, меҳнат коллективларининг социалистик мажбуриятлари ҳар бир моддасини бажариш устидан қаттиқ назорат қилишга йўналтириш алоҳида аҳамият касб этади.

«Интизомни мустаҳкамлаш борасидаги ишларда асосий вазифа — ташкилотчилик, сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларнинг барча формаларидан комплекс фойдаланишдир, — дейилади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарорида, — ҳамма коллективларда юксак даражадаги ўзаро талабчанлик ва масъулият, принципиаллик, онгли интизом ва меҳнатни аниқ, пухта ташкил этиш, социалистик меҳнат ва совет турмуш тарзи принципларини ҳар қандай бузишларга нисбатан муросасизлик муҳити вужудга келтирилишига эришиш, ишёқмас ходимларга нисбатан жамоат таъсири ўтказиш чораларини активроқ қўллаш лозим».

Партиянинг бу даъвати ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир халқ депутатининг, ҳар бир меҳнаткашнинг онги ва қалбига бориб етиши керак. Иш вақтидан қанчалик самарали фойдаланилса, хўжалик кўрсаткичлари шунчалик юксак бўлиб, КПСС XXVI съездининг тарихий қарорлари ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этилади.

А. СУХОНОС,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Советлар иши бўлими мудирининг ўринбосари.

ОЛТИНЧИ МАРТА

КОЛХОЗИМИЗ аъзолари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилини зарбдор меҳнат, кўтаринки руҳ билан бошлаб юборди. Янги ҳосилга пухта замин ҳозирлаш мақсадида кузги-қишки тадбирлар комплекси графиқдан анча ўзган ҳолда олиб бориляпти. Барча техника воситаларини сифатли ремонтдан чиқариб, мавсумга шай қилиб қўйдик. Ариқ-зовурларни тозалаш, далаларга органик ўғит ташиб чиқариш жадал суръатлар билан олиб бориляпти.

Хўжалигимиз сут-товар фермасида ҳам зарбдор меҳнат давом этаётир. Чорвадорларимиз қишнинг мана шу совуқ кунларида ҳам говмушлар маҳсулдорлигини камайтирмай, ёздагидек мўл ва сифатли сут согиб олишмоқда. Мақсадимиз юбилей йилида эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, мўл ҳосил ва юқори натижалар билан Ватанни қувонтиришдир.

Ўтган хўжалик йилини қувончли натижалар билан якунладик. Мавжуд 1870 гектар пахта майдонидан 42,7 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Давлат қабул пунктларига 8 минг тонна сифатли «оқ олтин» етказиб бердик. Канап пояси ҳосилдорлиги гектар бошига 230 центнерни ташкил этди. Еки давлатга планда кўзда тутилганидан 3750 тонна кўп кимматбаҳо хом ашё етказиб бердик. Шунингдек, давлатга пландаги 740 тонна ўрнига 1232 тонна маккажўхори дони сотилди.

Чорвадорларимиз ҳам қувончли натижаларни қўлга киритдилар. Улар давлатга планда белгиланганидан 100 тонна кўп гўшт, 460 тонна кўп сут етказиб бердилар. Мавжуд 900 бош согин сигирларнинг маҳсулдорлиги 4800 килограммга етказилди.

Шундай қилиб, колхозчиларимиз ўтган йили давлатга жами 15 миллион сўмлик деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини сотдилар. Бу планда кўзда тутилганидан 6,5 миллион сўм кўпдир.

Эришилган муваффақиятлар муносиб баҳоланди. Колхозимиз СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Биз бундай юксак мукофотга кейинги ўн йил ичида олти марта сазовор бўлмоқдамиз.

Муваффақиятларимизнинг бош омили нимада? Колхозчиларимиз бу саволга бир овоздан юксак уюшқоқликда, меҳнатга коммунистик муносабатда, иш вақтидан унумли фойдаланишда, онгли интизомда деб жавоб беришади. Дарҳақиқат, қаерда меҳнат интизоми мустаҳкам бўлса, ўша ерда қўлга киритилаётган ютуқлар салмоқли ва залворли бўлади. Шу ўринда Москва шаҳар илғор саноат корхоналари коллективларининг қиммати ташаббуслари катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Колхозчиларимиз давлат аҳамиятига молик бўлган бу муҳим ташаббусни ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарорини синчковлик билан ўрганиб чиқиб, уларни қўллаб-қувватламоқдалар. Дарҳақиқат, ҳар икки муҳим ҳужжатда киши дилидаги гаплар очиқ-ойдин ўртага ташланган, олдимизга муҳим вазифалар қўйилган.

1982 йилги оғир об-ҳаво шароитида меҳнат қилиб, муваффақият энг аввало ҳар бир колхозчининг, ўрта звено кадрининг меҳнатга онгли муносабатига боғлиқ эканлигини яна бир марта чуқур ҳис қилдик. Шунинг учун хўжалигимизда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор берилади. Кейинги беш йил ичида бирорта ҳам ўрта звено кадрининг ўзгартирилмаганлигининг ўзи ҳам хўжалигимизда бу ишнинг намунали йўлга қўйилганлигини кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам ҳар бир бўлимда, ҳар бир бригадада ҳосилдорлик бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Масалан, ўтган йили мавжуд 22 бригадада энг кам пахта ҳосилдорлиги 39 центнерни, энг юқори кўрсаткич 45 центнерни ташкил этди. Шуниси қувончлики, барча бригадалар йил сайин пахта ҳосилдорлигини бир маромда ошириб боришмоқда.

Ўтган йил якунларига кўра қўлга киритилган юксак мукофот колхозчиларимизни янада унумлироқ меҳнат қилишга, деҳқончилик маданиятини оширишга, техникадан, минерал ўғитлардан самарали фойдаланишга, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлашга ундамоқда. Биз ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилганмиз. Бу йил пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга, канап пояси ҳосилдорлигини 240 центнерга етказамиз.

Чорвадорларимиз янада баракалироқ меҳнат қиладилар. Улар согин сигирлар маҳсулдорлигини 5 минг килограммга етказадилар. Давлатга планда белгиланганидан 125 тонна кўп, яъни 500 тонна гўшт етказиб берадилар.

Кўриниб турибдики, қабул қилган мажбуриятларимиз жуда юксак. Лекин, уни сўзсиз бажариш мумкин. Бунинг учун бизда бир қатор резерв ва имкониятлар мавжуд.

Хван МАН ГИМ.
Коммунистик районидаги Меҳнат Қизил байроқ орденли «Политотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

СЎЗ — БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИГА

ОРАЛИҚ ЭКИН НАВИ

● **ЎЗБЕКИСТОН чорвачилик илмий-тадқиқот институтида чиқарилган янги «Восточная» қора буғдой нави республика хўжаликларининг суғориладиган ерларидан самарали фойдаланишга ёрдам беради. У далалар асосий экинлардан бўш бўлган кузги-қишки мавсумда етиштиришга мўлжаланган.**

Институт навни синаб кўрганида кўзда экилган «Восточная» гектар бошига 318 центнердан — анъанавий навларга нисбатан 48 центнер кўп бачки берди. «Восточная» қора буғдойнинг бошқа фазилатлари ҳам бор: унда қорамол маҳсулдорлигининг ўсишига самарали таъсир этувчи протеин, бошқа моддалар кўп.

⊙

ХУШХЎР МОШ

● **ЎЗБЕКИСТОН шоли илмий-тадқиқот институтида яратилган янги мош нави «Вкусный» ва «Красавица» деб аталади.Duккакли экининг бу навлари гоят сермаҳсулдир. Унинг донида оқсил модда мўл. Бундай мошдан пиширилган овқат жуда тотли бўлиб, тўқ тутади.**

Янги навлар Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозларида етиштириш учун истиқболли деб топилди.

(ЎзТАГ).

ЧОРВА ҚИШЛОВИ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

ОЗУҚАНИНГ НАҚДИ ҲИСОБ

Биз чорва қишлови қандай ўтаётганлиги билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент ҳамда Чиноз районларидаги айрим хўжаликларда бўлдик. Масалан, Тошкент районида бу йилги қишнинг барвақт бошланишига қарамай, маҳсулот етиштиришда аввалги йилдаги суръатни пасайтирмаётган хўжаликлар оз эмас, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози ана шундай хўжаликларданди.

Аввало шуни айтиш керакки, бу колхозда чорвачилик соҳасига катта эътибор берилади. Мутахассис кадрлар тўғри танланиб, жой-жойига қўйилган. Улар ўзларига топширилган вазифага нисбатан чуқур масъулият ҳис этиб, сут-товар фермасидаги ҳар бир ишни оқилона уюштиришмоқда.

Қишлов учун жамғарилган озуқа запаси етарли. Улар махсус машина ва механизмлар ёрдамида қайта ишланиб, тўйимлилиги оширилиб молларга берилмоқда. Шунинг учун ҳам сигирлардан сут согиб олиш суръати аввалги йиллардагига нисбатан юқори бўлаётир.

«Ленин йўли» колхози фермасида ҳам ўз касбининг устаси бўлган зоотехник, ветеринария врачи ва бой тажрибага эга бўлган чорвадорлар меҳнат қилишяпти. Фермада жами 600 бош қорамол бўлиб, 304 бошини сигирлар ташкил этади. Шундан ҳозирги кунда 255 боши согилмоқда. Колхоз чорвадорлари топшириққа кўра ҳар куни 2300 килограммдан сут согиб олишлари керак. Бироқ, бу кўрсаткич 1990 килограммдан ошмаяпти. Агар бу рақамни ҳар бош сигир сонига тақсимлайдиган бўлсак 6,5 килограмм атрофида бўлади.

Хўш, маҳсулдорликнинг пастлигига сабаб нима? Бош зоотехник Собир Шокировнинг таъкидлашича қараганда, фермадаги молларнинг насли тўла яхшиланмаган. Уларга ҳар қанча тўйимли рацион асосида озуқа берилгани билан ўз имкониятлари даражасидан ошириб сут бера олмайдилар.

Аммо фермада яхши ишга қўл урилган. Мавжуд серсут сигирлардан олинаётган ургочи бузоқларни ажратиб олиб, алоҳида парвариш қилиб, согин сигирлар подасини шулар ҳисобига тўлдириб боришга ҳаракат қилинмоқда.

Шунингдек, районда қишловга ҳар томонлама яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги оқибатида план ва топшириқларни бажармаётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, «Тошкент» совхози, Ильич номли ва Ленин номли колхозларда сут етиштириш суръати аввалги йилдагига нисбатан камайиб кетмоқда. Масалан, «Тошкент» совхозида 1982 йилнинг январь ойида жами 60 тонна сут етиштирилган эди. Бу йил эса 48 тоннага тушиб қолди.

Чиноз районида ўтган йили сут харид қилиш плани бажарилмай қолди. Бундай бўлишига биринчи галда «Янгиобод» совхози, колаверса, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозини айбдор деб кўрсатиш мумкин. Чунки, «Янгиобод» совхози чорвадорлари йиллик планни 46 процентга бажардилар, холос. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози эса 79 процентда қолиб кетди.

Бу йил январь ойида районда гўшт етиштириш суръати ўтган йилдагига нисбатан 14 процент, сут етиштириш суръати эса 2 процент ўсди. Бироқ, топшириқлар бажарилмаяпти. Масалан, январь ойи топшириғи гўшт етиштириш бўйича 88 процент, сут етиштириш бўйича 82 процент бажарилди. Бу райондаги бир қатор хўжаликларда озуқа запаси муддатидан илгари тугаб, сигирлар сутининг камайиб кетаётганлиги оқибатидир.

РЕСПУБЛИКА РАДИОСИ ҲАМДА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ҚЎШМА РЕЙДИ

Район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлари бу йилги қишловга етарли миқдорда озуқа жамғарилганлиги, унинг запаси апрель ойигача бемалол етишига ишонтириб, конкрет рақамлар келтирдилар. Бироқ, айрим хўжаликларда бўлганимизда бунинг аксини кўрдик.

Тўғри. «Партия XXIV съезди» совхози, «Октябрь 40 йиллиги» колхози, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми чорвадорлари озуқа запасидан тежаб-тергаб фойдаланиб, маҳсулот етиштиришни ўтган йилдагидан кўпайтиришга эришмоқдалар. Аммо бир қатор хўжаликларда озуқа запаси тугаяпти. Жумладан, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида беда ва табиий ўт пичанининг тугаганига анча бўлди. Ҳандақларда қолган силос эса икки-уч кунга етади, холос.

Фермадаги зооветеринария ҳолатлари ҳам талабга жавоб бермайди. Еш бузоқлар қўтир касалига чалина бошлаган. Моллар кундуз кунлари яйратиладиган майдонлар асфальтланмаган, ўз вақтида гўнгдан тозалаб турилмайди. Натижада моллар ана шундай зах шароитда сақланмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бош сигирдан согиб олинаётган сут 6 килограммдан ошмаяпти.

Январь ойида 43,9 тонна сут етиштирилди. Бу топшириқдагига нисбатан 64,6 процентни ташкил этади. Ўтган йилдагига нисбатан эса 2200 килограмм камдир.

К. Маркс номли колхозда ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бу ерда, аввало, моллар туёғи камайиб кетган. Ҳозир 640 бош ўрнига 583 бош қорамол мавжуд. Сигирлар сони 190 бошни ташкил этади. Бу ҳам пландагидан 40 бош камдир. Умуман, қорамол ва согин сигирлар сони йил сайин кўпайиш ўрнига камайиб боряпти. Масалан, қорамоллар ўтган йилдагидан 25 бошга, шу жумладан сигирлар 5 бошга камайиб кетди.

Озуқанинг сифати past. рацион тўйимсиз бўлаётганлиги сабабли сигирларнинг сути ҳам кам. Масалан, январь ойида ҳар бош сигирдан 221 килограммдан сут согиб олинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 21 килограмм камдир. Оқибатда, ялпи сут етиштириш ҳам кам бўлиб қолмоқда. Январь ойида топшириқ бўйича 74 тонна сут етиштирилиши лозим эди. Амалда эса 43 тонна бўлди, холос. Бу ҳам ўтган йилдагига нисбатан 9 тонна камдир.

Фақат «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» ва К. Маркс номли колхозлардагина эмас, Киров номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳам маҳсулдорлик камайган. Охунбобоев номли колхозда 450 бош қорамол боқиляпти. Хўжаликда бу йил 1100 тонна сут етиштирилиши лозим. Февраль ойида эса 64,3 тонна бўлди. Бу йиллик топшириққа нисбатан 6 процентни ташкил этади.

Киров номли колхозда сут етиштириш январь ойи топшириғи 60 процент бажарилди. Ўтган йили 47,6 тонна сут етиштирилган бўлса, бу йил 41,2 тоннани ташкил этди.

СИГИР — этмиз бориб устихонимизга ёпишди-ку, емишимиздан хабар олдаларми, йўқми!

Чорва қишлови давом этяпти. Область партия комитетининг чорвачилик маҳсулотлари етиштириш суръатини ўстириш соҳасидаги топшириқларини муваффақиятли бажариш учун қолган вақт ичида озуқа запасларини эҳтиёт қилиб, тежаб-тергаб сарфлаш керак бўлади. Бунинг учун озуқа цехларини тўла қувват билан тўхтовсиз ишлашини таъминлаш лозим. Тугаб бораётган озуқа турларининг бир граммини ҳам ғўшхўрдга чиқармаслик мақсадида уларни албатта қайта ишлаб, хушхўрлигини ошириб сўнгра молларга бериш чораларини кўриш зарур.

Т. ХЎЖАЕВ,
область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бош зоотехниги.
Т. СОБИТОВ,
республика радиоси қишлоқ хўжалик эшиттиришлари бош редакциясининг редактори.
А. ИҒЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

(Ушбу рейд материали ҳақидаги эшиттиришни Ўзбекистон радиосининг биринчи программаси орқали бугун соат 13 да тинглайсиз).

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

КУЙИНДИНИ КЎЧИРАДИГАН «Т Ў П»

● **ГРУЗИЯ политехника институтининг студентлари яратган «буғ тўпи» учун иссиқлик электр марказларидаги қозон юзида ҳосил бўлувчи куйинди нишон бўлиб қолди.**

Тўпнинг ҳар квадрат сантиметрига 25 килограмм куч билан урадиган оқим зарбаси куйиндидан ҳосил бўлган энг қаттиқ «зирҳни» ҳам бир неча минутда парча-парча қилиб юборади. Бунинг устига зарб билан урилиш чоғида водород билан кислородга парчаланган буғ ёқилғининг яхшироқ ёнишига ёрдам беради ва бунинг натижасида атмосферага камроқ тутун чиқади.

Ихтирони Тбилиси ТЭЦида жорий этиш тўғрисида тузилган актда қиздириладиган сиртларни тозалайдиган қурилма қозонларнинг иш режимига қараб агрегатларни бошқатдан созламасдан сирт иссиқлик ўтказиш коэффициентини икки уч баравар оширишга имкон берганлиги таъкидланган. Экономистлар студентларнинг шу таклифини ва бошқа таклифларини жорий этиш ҳисобига бир йил мобайнида тежалган ёқилғи ТЭЦнинг бир ҳафта мобайнида ишлашига кифоя қилишини ҳисоблаб чиқдилар.

К. ЦХОМЕЛИДЗЕ,
ТАСС мухбири.
Тбилиси.

ЛАЗЕР МИКРОНЛАРНИ «УШЛАЙДИ»

● **ЕРҚИН нур чақнайди ва эксперимент авторлари одам сочидан ҳам анча ингичка химиявий толаларнинг «габаритлари» тўғрисида маълумот оладилар. Ленинград аниқ механика ва оптика институтининг олимлари яратган гоят тез ишлайдиган лазер кинокамера ана шундай ҳусусиятга эга.**

Аппарат асосан ядро физикаси, биология, химия, метеорологияда тез ўтувчи жараёнларни кузатиб боришга аталган. Алоҳида оптик қурилма билан таъминланган кинокамера эса миллиметр буюм барометрларини тез ва аниқ белгилаб беради. У бир секундда ўрта ҳисобда 50 тагача ўлчовлар қила олади.

Бунчалик тез ишлаш, дейди ленинградлик оптик олимлар, микроэлектроника, радиотехникадаги ғоятда нозик технологик жараёнларни чаққон рослаб юборишга имкон беради.

Н. КРУПЕНИК,
ТАСС мухбири.
Ленинград.

● **ТОШКЕНТ районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози лимонарийсида ҳозир айни пишиқчилик пайти. Суратда: лимонарий ишчилари (чапдан ўнгга) Доно Эрматова, Дилбар Тошматова, Феруза Шодуллаева, Шоира Айтматовалар ҳосил теримида.**

В. Портнов фотоси.

МАКТАБ ҲАЁТИ

ДЎСТЛИК ОЛҒА ЧОРЛАЙДИ

Мактабимизда интернационал дўстлик клуби ташкил этилганига анча бўлди. Унда асосан тўртинчи-олтинчи синф ўқувчилари иштирок этмоқдалар. «Барча халқлар фарзандлари дўстликда яшаймиз» шиори остида фаолият кўрсатаётган бу клуб ўзининг 60 нафар аъзосига эга.

Клуб аъзолари мамлакатимиздаги кўплаб шаҳарларнинг пионерлари билан хат ёзишиб турадилар. Шунингдек, биз Венгрия, ГДР ўқувчиларидан ҳам мактублар оламиз. Болалар хатларида мактаблари ҳаёти, шаҳарлари, республикалари ҳақида ҳикоя қиладилар. Совға учун китоблар, сувенирлар юборадилар. Худди шундай совғаларни биз ҳам жўнатамиз.

Ҳар ойда бир марта ўтадиган клуб кенгашларида ўқувчилар ўзлари хат ёзишиб турган республикалар ва мамлакатлар кишиларининг анъаналари, ўтмиши ва бугуни билан кўпроқ танишадилар. Худди шундай йиғилишлардан бири «Биз тинчлик истаймиз, йўқолсин уруш» деган темага бағишланди. Кейин «Дружба» экспрессида шаҳар бўйлаб сафар қилган ўқувчилар турли корхоналар, муассасалар меҳмони бўлишди. Тинчлик ҳақида шеърлар ёд этиб, қўшиқлар куйладилар. Тинчликка аталган кейинги саҳифа болаларга Куба тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

Клуб аъзолари Ҳиндистон мамлакатига карта бўйлаб сафар уюштирдилар ва «Ҳиндистон—бугун» фильмини томоша қилдилар, сўнгра Г.Г.Ф.Г.Ф.Г.Ф

Она-Ватан бўйлаб

КУМУШ ТЕЖАЛДИ

● ЛЕНИНГРАД. «Позитив» заводининг мутахассислари кумуши оз бўлган фотоқоғоз тайёрлаб нурсезгир материаллар ишлаб чиқаришда кумуш сарфини анча камайтирдилар. Қимматли хом ашё сарфи беш баравар камайди, маҳсулот эса сифат кўрсаткичлари жиҳатидан шундай материаллардан ҳеч қолишмайди.

● МОСКВА ОБЛАСТИ. Ойнаванд далаларда қўзиқорин етиштиришга ихтисослашган «Московский» совхоз-комбинати ҳар йили савдо тармоқларига 800 тоннадан зиёд маҳсулот жўнатмоқда. Бу ерда 28 камерада қўзиқоринлар етиштирилмоқда. Суратда: қўзиқоринлар йиғиш пайти.

СЎНГГИ ДОВОН

● СИСИАН (Арманистон ССР). Қурувчилар Спандарян ГЭСи қурилишининг муҳим босқичи — Воротан каскадининг сўнгги поғонасини қуришга киришдилар. Машина залининг ускуналари ҳамда станция турбиналарини ҳаракатга келтиришга аталган қувур-ариқ бўғинлари монтаж қилина бошлади.

(ТАСС).



● ТОЖИКИСТОН ССР. Ҳисор водийсида бундан эллик минг йил олдин ҳам одамлар яшаган. Қазилма далил-ашёлари шундан далолат беради. «Ҳисор» қалъаси — ана шуларнинг бири. Суратда: қадимий «Ҳисор» қалъасининг умумий кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

ПАРНИК ХЎЖАЛИГИДА

«ОҲАНГАРОН» совхозининг сабзавоткорлари ўтган йили давлатга 6656 тонна сабзавот топшириб мажбуриятни ошириб бажарган эдилар. Бунда парник хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди. Айни пайтда совхознинг барча бўлимларидаги парник хўжаликларида иш жонланиб кетди. Айниқса, 3-бўлим парник хўжалигининг ишчилари далаларга соғлом ва сифатли кўчатларни муддатидан олдин етказиб бериш учун ҳаракат қилишяпти.

— Шу кунларда парникка экилган ўн килограмм карам уруғи қийғос униб чиқди ва унга парваришни қизитиб юбордик, — деди 3-бўлим бошлиғи Ғани Султонов. — Помидор уруғи сепишни ҳам бошладик. Кўчат етиштириш ишларида Саноат Шоназова ва Дархон Кўчқоров етакчилик қилаётган бригада ишчилари кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда.

О. ХУШНАЗАРОВ,
Оҳангарон райони.

«Тошкент ҳақиқати» почтасидан

ВАҚТДАН ЎЗИБ

НОВОМИХАЙЛОВКА луб заводи ишчилари ва инженер-техник ходимлари СССР 60 йиллиги нишонланган қутлуғ йилни муваффақиятли якуладилар. 5 миллион 340 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиниб, белгиланган план ортиғи билан бажарилди. Буюртмачиларга йиллик планда кўзда тутилганидан 113 тонна кўп сифатли каноп толаси етказиб берилди.

— Москваликларнинг қимматли ватанпарварлик ташаббусларини коллективимиз қизғин кутиб олди, — дейди завод директори ўртоқ П. Муҳиддинов. — Биз беш йилликнинг учинчи йилида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, иш вақтидан самарали фойдаланиш асосида каноп толаси ишлаб чиқаришни янада кўпайтирамиз, сифатини яхшилаймиз.

Завод коллективи ўртасида ўн биринчи беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун авж олиб кетган социалистик мусобақада Н. Сентхалилова, Т. Тўрахўжаева ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ишчилари карвонбошилик қилишяпти.

М. ПЕЙСЕНОВ,
Янгийўл райони.

ҲАВАСКОРЛАР ИЖОДИЙ КЛУБИ

«СУРЪАТ» газетаси редакцияси қошида район ҳаваскор — ижодкорларининг «Илҳом» клуби ташкил қилиниб, у ўзининг дастлабки машғулотини ўтказди. Унда бир гуруҳ бадиий ижод ихлосмандлари иштирок этмоқдалар. Ёш ижодкорлар ўзбек ва кўп миллатли совет адабиёти ютуқлари ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини ўрганмоқдалар, ўзларининг дастлабки машқларини муҳокама этмоқдалар. Ёш ижодкорлар клуби ўзининг йил давомида ўтказиладиган машғулотлар планини ишлаб чиқди.

«Илҳом» клубига ҳаваскор ижодкор Ҳамидулла Саъдуллаев раҳбарлик қилмоқда.

А. ШАХАНОВ,
Коммунистик райони.

«ТЕЗ ЁРДАМ»ГА РАҲМАТ

ҚИЗЧАМИЗ беҳосдан шамоллаб, бетоб бўлиб қолди. Тез-тез йўталиб, қийналиб нафас ола бошлади. «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилдик.

Оқ халат кийган хушрўйгина қиз эшикдан кириб келганида ҳали орадан ярим соат ҳам вақт ўтмаган эди. У чаққонлик билан дори-дармон солинган чемоданчасини очар экан, қизимизнинг исмини сўраб эркалаб қўйди. Кейин иссиғини ўлчади — 38,6 экан.

— Ҳаммаси тезда ўтиб кетади, оппоқ бўлиб қоласиз,— дея спиртли аралашма билан бутун баданини ишқаб чиқди. Кейин укол берди. Қайта-қайта текшириб, қулоғи ҳам бироз шамоллаганлигини айтдида, дори-дармон белгилади.

Шифокорнинг айтганларига асосан Ҳулкарни муолажа қилдик, тез кунда ҳеч нарса кўрмагандек бутунлай соғайиб кетди.

Ўша куни исм-фамилиясини суриштирганимизда камтарлик қилиб айтмади. Кейин билишимизча, кишиларнинг дардига малҳам бўлаётган қўли енгил шифокор Раъно Ёқубова Ўрта Осиё медицина-педиатрия институтини бундан тўрт йил муқаддам аъло баҳолар билан тугаллаб, Собир Раҳимов район болалар «Тез ёрдам» станциясида хизмат қилар экан. Унга ва қисқа фурсатда ёрдамга шошилган навбатчи ҳайдовчи Талъат Ғофуровга оиламиз номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Г. БОБОБЕКОВА,
нашриёт ишчиси.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ САЁҲАТДА

МАХСУС «Роҳат» поезди Тошкент — Самарқанд — Бухоро — Урганч — Хива маршрути бўйлаб сафардан қайтиб келди. Тошкент области ва бир қанча областлардаги агросаноат комплекслари меҳнаткашларидан 300 киши шу поездда саёҳат қилди. Улар илғор колхоз ва совхозларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган корхоналарда бўлдилар, Ўзбекистондаги қадимги шаҳарларнинг нодир ёдгорликлари билан танишдилар. Энди Янгиобод ва Чимёнинг саёҳат базаларида дам оладилар.

Яқин фурсатда «Роҳат» поездида ўн бешта шундай группа саёҳат қилади. Бу сафарларда мукофот тариқасида жами юбилей йилининг социалистик мусобақа ғолибларидан тўрт минг киши қатнашади. Саёҳат автобуслари агросаноат комплекслари илғорларидан яна 6 минг кишини экскурсияларга олиб боради.

(ЎзТАГ).

Лев ЛАЙНЕР.

БИР-БИРИМИЗНИ ҚАЕРДА КЎРГАН ЭДИК

ҲАЖВИЯ

АВТОБУСДА Толя Кочерижкин кўзига иссиқ кўринган қиз ёнига ўтирди. «Уни қаерда учратган эканман?», — деб ўйларди Толя ва қизга қараб-қараб қўярди.

Ниҳоят қиз бунга чидай олмади ва жиддий ҳолда деди.

—Менга қаранг, йигитча, Кочерижкин ҳижолатда қолди.

— Э-э-э... Авф этинг, лекин менимча биз қаердадир учрашгандекмиз.

— Сизларнинг ҳаммангиз гапни шундан бошлайсизлар. Наҳотки, қиз билан танишишнинг бошқача қизиқроқ усули йўқ? — қуруққина деди қиз, аммо шу заҳотиёқ Толяга диққат билан разм солди.

— Очиғини айтсам, истарангиз менга ҳам иссиқ туюляпти. Сиз ёзда «Арчалар, қайрағочлар» пионер лагерида ишламаганмисиз? Мен у ерда вожатий бўлган эдим.

— Йўқ, ишламаганман.— жавоб қайтарди Толя.— Ёзда мен оталиқ «Ясние зори» колхозида ишладим. Тасодифан сиз у ерда бўлмаганмисиз?

— Бўлмаганман,— деди қиз.— Мен Марина Курносоваман. Бу исми-шарифим ёдингизга ҳеч нимани солмаяптими?

— Йўқ,— очиқчасига тан олди Толя.

— Қизиқ.— деди иккалалари бир вақтда.— Бир-биримизни қаерда кўрган эканмиз.

— Балки биз мева-сабзавот базасида учрашгандирмиз?— тахмин қилди Марина.— Мен у ерда биринчи сентябрдан ўнинчи сентябргача ишлаган эдим...

— Базада бўлганман. Ҳа, бўлганман! Сентябрь ойида бўлганман,— жонланиб кетди Толя. Аммо дарҳол тундлашиб қолди.— Фақат базада ўн биринчидан йигирманчи сентябргача бўлганман. Биринчидан ўнинчи сентябргача эса мени ишдан шахмат турнирига жўнатишганди.

— Буни қаранг-а,— деди Марина.— Мени эса ўн биринчидан йигирманчи сентябргача ишдан хоккей ўйнашга жўнатишган эди...

— Хоккей ўйнашга?—ҳайрон бўлди Толя.

— Ҳа-да. Чим устида хоккей ўйнашга... Мен институтни тугаллаганимдан сўнг 30 майда ишга келдиму, ўша пайтдан бери у ерда бўлмайман. Гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа жўнатишади...

— Сиз қизиқ гап айтдингиз, Марина,— яна жонланди Анатолий.— Мен ҳам тақсимот байича 30 майда ишга келдиму, ўша вақтдан буён у ерда қорамни кўрсатмайман. Мени ҳам доим ҳар ёққа жўнатишаверади... Ўзи қаерда ишлайсиз?

— Қаерда?.. Илмий-тадқиқот институтида... НИИКУКУда...

— Қойил!— қичқириб юборди Кочерижкин.— Мен ҳам НИИКУКУданман! Бўлди! Эсладим! Сизни қаерда кўрганимни биламан... 30 майда биз кадрлар бўлимида учрашган эдик, у ерда анкета тўлдиргандик.

— Тўппа-тўғри!— мамнун ҳолда табассум қилди Марина Курносова.— Энди мен ҳам сизни эсладим, Толя... Толенька, кечиринг, мен автобусдан тушишим керак. Шу ҳафтадан бошлаб мени малака ошириш курсига жўнатишган. Ҳали яна учрашиб қолармиз. Балки ишдами...

...Яна икки бекатдан сўнг автобусдан Толя Кочерижкин ҳам тушди. У соатига қараб олди-да, шахдам юриб кетди. Толя ёш мутахассислар семинарига шошилаётган эди...

Э. ЭРНАЗАРОВ таржимаси.

Реклама ва эълонлар

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатига

йигирувчилар, тўқувчилар, йигирув ва тўқимачилик дастгоҳлари мастери ёрдамчилари, слесарь-сантехниклар, токарлар, электромонтёрлар.

Касб-ҳунари бўлмаганлар 6 ой давомида бевосита ишлаб чиқаришда ўқитиладилар.

Ўқиш даврида ойига 70—90 сўм миқдорида стипендия берилади.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитларни ишга расмийлаштиришда 100 сўм миқдорида бир йўла бадалсиз ёрдам берилади, ишнинг дастлабки 6 ойи мобайнида бир маҳал бепул овқат (тушлик) билан таъмин этилади, ётоқхонада турувчи ёлғиз кишилардан дастлабки 6 ой мобайнида тўлов ҳақи олинмайди.

Комбинат ҳузурида ёшлар учун аёллар ва эркаклар ётоқхоналари, болалар боғчаси ва яслилар, кечки тўқимачилик техникуми ва институтга кириш учун тайёрлов курслари, ишчи-ёшлар ўрта мактаби, спорт базаси, тўқимачилар маданият саройи, ҳаваскорлик киностудияси, Тошкент денгизи районида дам олиш зонаси, «Бўстонлиқ» пионер лагери, профилакторий, барча врачлик кабинетлари ва стационари яхши жиҳозланган медицина-санитария қисми, ёрдамчи хўжалик «Тўқимачи» совхози мавжуд.

Комбинатда камида икки йил ишлаган яхши ишчиларга ҳар йили тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига йўлланма берилади, стипендияни корхона тўлайди.

Тўқимачилик комбинати базасида 4 та ҳунар-техника билим юрти ишлаб турибди. Уларда тўқимачилик касблари бўйича малакали ишчиларни тайёрлаш амалга оширилади.

10-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — бир йил. Ўқувчиларга ҳар ойда 70 сўм миқдорида стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50—100 проценти тўланади.

8-синф маълумоти билан қабул этилган ўқувчилар касб ўрганиш билан бирга ўрта маълумот ҳам оладилар ва кунига 3 мартадан бепул овқат билан таъминланадилар.

Барча 4 ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари йилига бир марта иш формаси ва қишлик кийими билан таъминланадилар.

Справкалар ва ишга йўлланмалар олиш учун қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

Марказий пункт—Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти—2 квартал, 3-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Фрунзе район пункти—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
Куйбишев район пункти—К. Маркс кўчаси, 59-уй.
А. Икромов район пункти—22-квартал, 13-уй.
Киров район пункти —Энгельс кўчаси, 48-уй.
С. Раҳимов район пункти—Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Сергели район пункти — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

11 февралдан бошлаб Тошкентда биринчи марта

«АРАЛАШ ҲАЙВОНЛАР ГРУППАСИ» АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи — РСФСР халқ артисти Тереза ДУРОВА.

2 бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа.

Томошалар соат 19.30 да шанба кунлари 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари эса 13.00, 16.00 ва 19.30.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишлайди.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача очиқ.

Телефонлар: 44-35-91, 44-31-40.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/II да **Қиёмат қарз, 6/II да Рўё.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/II **Ишонмасанг ўламан, 6/II да Гулсара.**

Туризм ва экскурсиялар бўйича Хоразм область советига Баҳодир Ҳусаинов номига берилган 124-сонли йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

8, 9, 10 февраль соат 19.30 да Андижон область давлат филармониясининг лирик хонандаси

Ҳалимжон ЖЎРАЕВ иштирокида

КАТТА КОНЦЕРТ

Коллектив сўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

«САМАРҚАНДЛИК ЭРКИН» КИМ?

КУТИЛМАГАНДА жиринглаган эшик қўнғироғи Ольгани чўчитиб юборди. Яқиндагина чиқиб кетган дадаси қайтдимикан?! Эшик тирқишидан нотаниш йигитларни кўриб ажабланди. Иккинчи қаватга адашиб чиқишган шекилли — Василий Алексеевичнинг бунақа танишлари йўқ эди.

— Сизларга ким керак?

Бироқ саволига аниқ жавоб олгач, эшик илгагини тушира бошлади;

— Самарқанддан салом айтиб юборишди — мен Эркинман...

— Дадам йўқ эдилар, балким кутарсизлар...

Уй бекаси жавоб бўлмагач ортига ўгирилди-ю, даҳшатдан донг қотиб қолди. «Самарқандлик меҳмонлардан» бири нақ елкасига қўш тиғли пичоқ тираб бўйни аралаш қўли билан унинг оғзини юмди. Иккинчиси эшикни зич қилиб беркитар экан, ётоқхона томонга имлади:

— Ғинг деб овоз чиқарсанг, жонингдан умидингни уз!

Чақирилмаган «меҳмонлар» бу билан кифояланмай, қизни уриб-туртиб ичкарига киритишди-да, аввал қўл-оёқларини, кейин кўзларини маҳкам чирмаб боғлаб ташлашди. Хонанинг у ёғидан бу ёғига мушук қаби эҳтиёткорлик билан одимлаб, ҳамма ёқни элак-элак қилишди. Ниҳоят иккита тилла занжир, узуклар, стол устида турган тилла соат ва бошқа бир қанча қимматбаҳо буюмларни йиғиштириб, чўнтакка уришди. Қизни қўрқитлаётган босқинчи оила сармояси — пул тахламини қўлида ушлаб салмоқлаётган тунд башарали озғин йигитга елкаси оша қараб ҳазиллашган бўлди:

— Топиб олсанг ҳам, санаб ол «Эркин»!

— Пичинг қилмай қўяқол, Бениамин, улушингни ҳалол оласан.

Ольга «Эркин»ни яхши эслаб қолди. Куйбишев район ички ишлар бўлимига келаётган ташвишли хабарларда қиз таърифлаган «самарқандлик йигит» қиёфаси тез-тез тилга олинарди.

1981 йилнинг июнида Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институти ёнида содир этилган ҳар иккала автомашина ўғирлигида ҳам гувоҳлар қирра бурун, қора соч йигитни рулда кўришибди. Кейинроқ машиналар шаҳарнинг чекка бурчакларидан топилди. Бироқ турли эҳтиёт қисмлари ечиб олинган машина эгалари катта моддий зарар кўришди. Жиноятчилар ким бўлди экан, улардан бири ростдан ҳам Эркинми? Дастлабки қидирув ва тергов маълумотлари ҳозирча бу саволларга тўла жавоб бериш учун етарли эмас эди...



МИЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲ ЖИНОЯТЧИЛАРНИ ҚЎЛГА ТУШИРИШ ОПЕРАЦИЯСИ

«РЕЗИДЕНТ»

ҲОЗИРГИНА Бенниамин Геров билан хайрлашган Александр Бадалов 2-Новоульяновск переулогидаги 18-уйнинг шифтига тикилганча ўй сурарди. Одати шундай, ҳар гал навбатдаги «операция» олдидан ёки кейин салгина хаёлпарастроқ бўлиб қолади. Баъзида шериклари билан қон қақшатган хонадонларни бир-бир эслаб, мамнун илжайиб қўяди. Тўдасининг ташкил топганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ анча-мунча иш қилиб улгуришди. Жуковский кўчасидаги 7-уйдан кундуз куни олиб кетилган 8 минг сўмликдан зиёд тилла буюм ва кийим-кечаклар, Володарский кўчасидаги 2-уйнинг 20 квартирасидан ўмарилган 14 минг сўмлик қимматбаҳо тақинчоқлар — ҳаммаси ўшаларнинг иши. Шерикларининг кўпчилиги эски мактабдош ўртоқлари. Бошданоқ кўпчиликка қўшилмай бирга юришарди. У пайтда қилинган майда-чуйда ўғирликларни ҳозир Александр эслагани ҳам уялади. Шунинг учун ҳам жиддий иш бошлаган пайтини — юқоридаги хонадонларни шип-шийдон қилган кундан бошлаб ҳисоблаяпти.

Биринчи ўғирликни Абдураҳмон Серлиев билан бирга амалга оширишган эди. Ҳали 23 га ҳам қадам қўймаган-ку, аллақачон «хизматига яраша «тақдирланиб» улгурган. Бир марта оғзи куйгани учун қатиқни ҳам пуфлаб ичади, ниҳоятда эҳтиёткор. Кейингисига Анзор Аванесовни бирга олиб боришди. У Абдураҳмондан икки ёш кичик. Бироқ таржимаи ҳоллари икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш. Иш ҳамирдан қил суғиргандек битганига хурсанд бўлишганди.

...Ҳаёлини эшикнинг ғийқиллаган овози бузди. Александр бир зумда ўзига келди. Башараси тундлашиб ётган жойидан бош кўтармай буйруқ берди:

— Киравер, Алишер!

Йигит остона ҳатлагач, негадир табиати мулойимлашди.

— Ҳа, студент, ўқишлар қалай? Топшириқ бажарилдими?

Алишер аввал дастлабки саволга жавоб тариқасида хафсаласизлик билан қўл силкиди. Яқинда олий маълумотли бўладиган йигитнинг азалдан нияти бузуқ эди. «Ўқиб олим бўлармидим, беш кунлик дунёда нима қилиб бўлса ҳам яйло қилганинг қолади», дея бошини минг деворга уриб юрган кезларда Александрга йўлиқди-ю, танга топган девонадек севиниб кетди. Икки-уч марта улар билан «ов»га чиқиб кўзи пишгач, пинҳона ўзини мустақил синаб кўришга ҳам улгурди. Бироқ «резидент»нинг рухсати билан, расмий равишда учирма бўлганича йўқ. Шунинг учун ҳам унинг афтига қараб кўзини лўқ қилиб туришга мажбур. Ичида ғижиниб, сўкинди-да, ясама илжайди.

— Албатта, есть қилдим. Мана адрес — Бинокор, 1 тупик, 2-уй. Беканинг тилла буюмлари 3—4 кишига бемалол етди.

— Бўлди, бўлди, миссиянг тугади ҳисоб... Бу ёғини Абдураҳмон келгач ҳал қиламиз...

...Алишерни орқароқда қолдиришди. У мунгайиб, муюлишда уларнинг кўланкаси кўздан ғойиб бўлгунича кузатиб турди. Кейин ёқасини кўтариб, бўйнини қисганича сабр билан кута бошлади.

Александр белгиланган адресга етгач, чўнтагидан икки қаричдан узунроқ ғалати темир чиқариб, бироз қуймаланган бўлди. Эшик тутқичи ерга тушиб, зулфи шарақлаганда ҳавотир олгандек, орқага қараб қўйишди. Кейин «бошладик» дегандек имлаб ичкарига киришди. Тилла узуклар, «Луч» маркали соат, ҳали оҳори тўкилмаган янги кийим-кечак ва аёлларнинг бўйнига осадиган ноёб турдаги занжири зум ўтмай кичик халтага жой бўлди. Ҳамма ёқни титпити қилиб, 700 сўмга яқин пул топишди.

— Бор йўғи шугина-ку, — деди Александр менсимагандек, лоқайд овозда. Кейин ҳаёлига нимадир келгандек кулимсиради.

— Ҳайр, майли. Икки кишининг насибасига бўлар...

Унинг фикрини имо-ишораданоқ тушунадиган Абдураҳмон қаердалигини ҳам унутиб, шарақлаб кулиб юборди. Кейин «шеф»нинг гапини маъқуллади:

— Студент бир гал «стипендия»сиз қолса жин урмас...

ҚИММАТГА ТУШГАН «ТАНИШУВ»

УЛАР то Чинозга етгунча қизғин суҳбатлашиб келишди.

— Светлана Магамедовна, хизмат жойингизни ҳам айтмадингиз мундоқ.

— Боғини суриштириб нима қиласиз... Қўшнилигимизни билдингиз, кифоя эмасми? Хизмат ўз йўлига, танишлик ўз йўлига... — деб қўйди С. Бородина қўлларини қирсиллатиб.

— Шу пайтгача ёнма-ён яшаб, билмаганимга айтаманда...

Рулдаги йигит шундай деб аёлга қирғий қараш қилди.

— Кўп нарса билсангиз — тез қарийсиз, яхши йигит, — ҳазил билан гапни чалғитди аёл.

Ҳозиржавобликдан С. Георгиадининг тили тутилди. Бирон нарса дейишга гап тополмай бир муддат хаёлга чўмди.

Тўғриси, қўшни хотинни илгари ҳам икки-уч марта кўрган эди. Бироқ ростманасига куни-кеча танишдилар, холос. Қизиқ, аёл дабдурустдан Чинозга олиб бориб келинг, деганида оёғи тортмаганига қарамай негадир «йўқ» дея олмади. Энди эса нимадандир кўнгли ғаш бўлиб, ҳадеганда аёлни гапга соляпти. Бироқ ундан гап олиш ўрнига, аксинча, бир неча марта мулзам бўлиб, тилини тишлаб қолди.

...Уй эгаси таърифи кетган Чиноз балиғидан саралаб Светлана Бородинага хушомадни жойига қўяётган бир пайтда дераза орқали уйга тушган Бадалов ва шериклари хонадонни «тозалаш»га киришган эдилар. 13 минг сўмликдан зиёд 3 процентлик давлат заёмлари, пул ва бошқа қимматбаҳо узук, тақинчоқлар ўғриларнинг доимий қароргоҳига келтириб ҳар кимнинг «даража»сига қараб тақсимланди. Ролини қиёмига етказиб ижро этган Светлана Бородинанинг улуши алоҳида ажратиб қўйилди...

М. МИРЗУФАРОВ,
Куйбишев район халқ судьяси.

Б. ИСМОИЛОВ,
А. БОБОБЕКОВ.

(Давоми бор).

БИЛАСИЗМИ?

БОЛА БОШИДАН...

ОЛТИ ЁШЛИ Саша чиройли тошларни йиғишга қизиқиб қолди. Унинг коллекцияси йилдан йилга кўпая борди. Болаликдаги бу қизиқиш кейинчалик Сашанинг ҳаёт йўлини белгилаб берди. У — Александр Евгеньевич Ферсман жаҳонга машҳур минеролог олим бўлиб етишди.

●

МУЗИКАЧИЛИК истеъдодининг эрта намоён бўлишига уч ёшли Моцарт, тўрт ёшли Гайдн, беш ёшли Мендельсон, саккиз ёшда композиторлик қилган Прокофьевлар фаолияти ёрқин мисол бўла олади.

●

РЕПИН, Суриков ва Серов — олти ёшда, Рафаэл — саккиз ёшда, Ван-Дейк ва Джотта — 10 ёшда, Микеланжелло 13 ёшда тасвирий санъатга қизиқиб, кейинчалик бутун жаҳонга донг таратганлар.

13 ЁШЛИ СТУДЕНТ

● БОКУ медицина институтининг биринчи курс студенти Костя Славиннинг ёши бор-йўғи 13 да. Костя икки ёшиданоқ ўқишни ўрганиб олди. Беш ёшида мактабга қатнай бошлади ва уни 12 ёшида олтин медаль билан тамомлади. Ота-онасининг фикрича боланинг қобилияти унинг ўткир зеҳни ва ҳайратомуз хотирасидандир.

ТАСС фотохроникаси.

Редактор ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337918, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048, 325354; партия турмуши—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 01776 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1537. 10